
“Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари ўтказилди.

Данғара туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5148-сон қарори ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Қарор ижроси юзасидан Данғара тумани спорт мактабида ташкилот ходимлари иштирокида ихтиёрий талаблар бўйича “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари ўтказилди.

Дастлаб иштирокчиларга қарор мазмун моҳияти тушунтирилиб “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Иштирокчилар “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовларидан ўрин олган турган жойидан ҳамда югуриб келиб узунликка сакраш, югуриш, баскетбол топини саватга ташаш ва бошқа спорт турлари синовларидан ўтказилиб, жисмоний тайёргарлик даражаси баҳоланди.

2023-09-25 08:24:30